Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1996 йил 28 сентябрь, шанба № 126 (22.047). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошидаги «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонига биноан халқимиз меросининг ноёб намуналарини тўплаш, авайлаб асраш, тарғиб этиш, халқимиз, айниқса, ёшларимизда мустақиллик, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимиз давомийлигини, равнақини, уларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашиб боришини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази қошида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси тузилгани, унинг устави Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтгани эътиборга олинсин.

2. «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси тугатилган Маданият жамғармаси, «Истеъдод» жамғармаси, «Ижодкорлар» жамғармаси, Миллий ва ижтимоий барқарорлик жамғармаси ҳамда «Ёдгорлик» жамиятининг барча мол-мулки ва маблағларининг ҳуқуқий вориси бўлиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Жамғарманинг асосий мақсад ва вазифалари:

буюк аждодларимизнинг асрлар давомида яратган бебаҳо маданий-маърифий меросини кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, келгуси авлодларга ёдгорлик қилиб қолдириш, халқимизнинг умуминсоний қадриятлар хазинасига қўшган улкан ҳиссасини бутун дунёга қайта танитиш, уни кенг тарғиб этиб, кишиларимиз, айниқса, ёшларимиз онгига миллий ғурур, миллий ифтихор, Ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини сингдириш;

ўтмиш маданиятимизга оид қадимий қўлёзмалар, тарихий ҳужжатлар, халқ ҳунармандчилиги, амалий санъати намуналари ва тарихий-маданий қимматга молик бошқа ёдгорликларни мамлакатимизда, хорижда излаб топиш ва ўрганиш, улардан улкан меросимизнинг узвий қисми сифатида фойдаланиш;

республикадаги ва чет эллардаги маданий-маърифий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, халқаро алоқаларни ривожлантириш мақсадида турли танлов, аукцион, фестиваллар уюштириш, ижодий-илмий делегациялар алмашиш;

истеъдодли ёшларни танлаб уларнинг ижодий камолотига моддий ва маънавий ҳомийлик қилиш;

ўз ва давлат дастурини бажариш учун маблағларнинг маълум қисмини мамлакатимиздаги ва хориждаги фаолият ҳисобидан, шу жумладан, қўшма корхоналар очиш йўли билан жамғаришдан ва уставда белгиланган бошқа хайрли ишлардан иборат эканлиги инобатга олинсин.

4. Жамғарма таъсисчилари ва ҳомийларининг ҳамда маданий-илмий жамоатчиликнинг мазкур жамғармани моддий-маънавий жиҳатлардан кенг қўллаб-қувватлаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари жойлардаги «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси бўлимларини ташкил этиш, уларни бино ва моддий-техника ашёлари билан таъминлаш масалаларини бир ой муддат ичида ҳал қилсинлар.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси Тошкент шаҳар Шодлик кўчасидаги 6-уйни ҳовлиси ва ҳовлидаги барча қурилишлари билан бирга белгиланган тартибда «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасига ҳақ олмасдан мулк қилиб берсинлар.

Жамғарма жойлашган бинони миллий услубда таъмирлаш ва замонавий жиҳозлаш ишларини 3 ой муддат ичида тугаллаш Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига (Азимов Р. С.) юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Б. Ҳамидов) жамғармага Вазирлар Маҳкамасининг заҳирасидан 10 миллион сўм миқдорида маблағ ажратсин.

Жамғарма дастурига биноан чет эллардан миллий бойликларимизни сотиб олиш учун, хорижий мамлакатларга экспедициялар уюштириш ҳамда ўзининг асосий фаолияти доирасидаги буюртмалари бўйича норезидентлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун мўлжалланган миллий сўмни эркин муомаладаги валюталарга айирбошлаш ҳал этилсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, жамғарма, унинг бўлимлари ва унга қарашли корхоналар уставида кўрсатилган мақсадлар ва вазифаларга қатъий мос келадиган фаолият йўналишлари бўйича:

Ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий фаолият ва тижорат билан шуғулланишга ҳақлидирлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонига биноан барча турдаги солиқлардан беш йил муддатга озод қилинган.

9. Жамғарма раиси моддий-маиший, транспорт ва тиббий таъминот шароитларига кўра тегишли равишда республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарининг биринчи ўринбосарига тенглаштирилсин.

10. Оммавий ахборот воситаларига «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси фаолиятини кенг ёритиш, доимий махсус рукнлар очиш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1965 йил 1 апрелдаги 188-сон, 1987 йил 11 декабрдаги 501-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январдаги 12-сон ва 1993 йил 19 майдаги 238-сон қарорлари ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимовга юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 27 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

А. Р. ГРИГОРЯН ВА В. Н. ШИННИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги хизматлари, тинчлик ва барқарорлик сақланишига, барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси ҳамда Германияда ўтказилган профессионал бокс бўйича жаҳон чемпионатида катта ютуқларга эришганликлари учун мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Григорян Артур Размикович — Ўзбекистон бокс федерацияси спорт бўйича йўриқчиси

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Шин Владимир Николаевич — Ўзбекистон бокс федерацияси раиси ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил, 26 сентябрь.

Иқтисодиёт олами

РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 27 сентябрда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми 56,52 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 40,00 сўм даражасида қайд этилди.

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

УРУҒЛИК РЕЖАСИ УДДАЛАНДИ

НАВОИЙ. Пахта йиғим-теримини оммавий сафарбарлик билан давом эттираётган Навоий вилояти деҳқонлари уруғлик пахта тайёрлаш режасини бажардилар. Эл хирмонига 12,5 минг тонна ўрнига 13 минг тонна қимматли саноат хом ашёси топиширилди. Эришилган муваффақиятга Навоий, Навбаҳор, Хатирчи, Қизилтепа туманлари заршунослари муносиб ҳисса қўшишди. Вилоятнинг туман ва хўжаликларида юксак мажбурият ҳисобига уруғлик пахта топшириш қизғин давом этмоқда. Навоийликлар жами уруғликни 20 минг тоннага етказишмоқчи.

Музаффар ШАРОПОВ.

Ҳунарлининг қўли гул.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат.

Хорижда

• **Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳида жаҳон ҳамжамияти ўнлаб йиллар кутган муҳим воқеа юз берди. Бу ерда ядро қуроли синовларини ялпи таъқиқлаш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Ҳозирча бу шартномани ядро қуролига эга давлатлар — Америка Қўшма Штатлари, Россия, Хитой, Франция ва Буюк Британия имзолади.**

* * *

• **Тибет халқининг диний раҳбари Далай Лама икки ҳафталик норасмий ташриф билан Австралияга келди. У Австралия бош вазири Жон Говард билан учрашиб, норасмий музокаралар ўтказди.**

Бош вазирнинг бу учрашуви Австралия билан Хитой ўртасидаги муносабатларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши табиий. Чунки, Хитой ҳукумати Далай Ламани Тибетнинг Хитойдан тобора ажралиб боришига йўналтирилган сиёсий кампания ўтказишда айбламоқда.

***

• **Австралиядаги жониворларни ҳимоя қилиш фаоллари мамлакатдан тирик ҳайвонларни экспорт қилишни ман этишни талаб қилмоқдалар. Панама байроғи остида сузаётган «Юнисеб» кемасида юз берган кучли ёнғин бунга сабаб бўлди. Ушбу кемада Иорданияга олиб кетилаётган 67 мингта Австралия қўйлари бор эди. Экипаж аъзоларидан 54 киши қутқариб қолинди. Кема механиги ном-нишонсиз йўқолди. Қўйлар эса тириклай кабоб бўлди.**

* * *

• **Москвадаги марказий клиник шифохонадан Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг юрагини операция қилиш бўйича врачлар маслаҳатлашуви бўлиб ўтди. Бунда академик Евгений Чазов, профессор Ренат Акчурин ва америкалик таниқли кардиолог Майкл Дебейки ҳамда бошқа мутахассислар қатнашишди. Бу нозик операцияни ўтказишнинг охирги муддати эса кейинроқ маълум қилинади.**

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК КОТИБИЯТИДА

1996 йил 26 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибиятининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда «Ўзбекистон ХДП Қўшкўпир туман кенгашининг партия қуйи бўғинлари тузилмаларини такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш борасида олиб бораётган ишлари ҳақида»ги масала муҳокама қилинди. Котибият мазкур туман кенгашининг партия дастурий ғоялари, И. А. Каримов бошчилигидаги республика ҳукуматининг халқчил ички ва ташқи сиёсатини фуқароларга етказиш, ХДП қуйи бўғинлари фаолияти самарадорлигини оширишда муайян ишларни олиб бораётганлигини қайд этди. У Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларига бу ерда тўпланган ижобий тажрибадан фойдаланишни тавсия қилди. Айни пайтда, Қўшкўпир туман кенгашининг бу соҳага оид фаолиятидаги камчиликлар бошқа шаҳар, туман партия кенгашлари ишида ҳам мавжудлигини ҳисобга олиб, партия маҳаллий ташкилотларига уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўриш вазифаси топширилди.

МК Котибияти «Ўзбекистон ХДП матбуот нашрларига 1997 йил учун обунани уюшқоқлик билан ўтказиш тўғрисида»ги масалани кўриб чиқиб, партия газеталари ва «Мулоқот» журналига обунани уюштиришни барча даражадаги ХДП кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари ҳамда таҳририятларининг кечиктириб бўлмайдиган муҳим сиёсий иши, деб ҳисоблади (бу масала бўйича қабул қилинган қарор баёни газетада чоп этилмоқда).

Маълумки, мамлакатимиз раҳбарияти, шахсан юртбошимиз, маънавият масалаларига катта эътибор бериб, уни доимо ўз диққат марказида тутиб келмоқда. Мамлакат Президентининг Олий Мажлис VI сессиясидаги нутқи, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарлари ва бошқаруви аъзолари билан суҳбати, шунингдек, ушбу ташкилот фаолиятига доир Фармони бунинг ёрқин далилидир. МК Котибияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонини бажаришда партиямиз ташкилотларининг фаол иштирок этишини уларнинг ўта муҳим, долзарб вазифаси, деб уқтирди ва бунга оид Тадбирлар режасини тасдиқлади.

ХДП ташкил топганлигига ҳа-демай беш йил тўлади. У, бу даврда, жамиятимизнинг нуфузли сиёсий кучларидан бирига айланди, ўзининг эзгулик билан йўғрилган ғоялари, халқимиз Ватанимиз манфаатлари йўлидаги изчил сиёсати ва амалий ишлари билан аҳоли барча қатламларида танилди. Бунда ХДП дастурий мақсадлари, Миллий истиқлол мафкураси қоидалари, навқирон давлатимиз ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини тарғиб қилиш ҳамда амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган кўпсонли фаолларнинг хизмати катта.

Котибият, уларнинг фидокорона меҳнатини рағбатлантириш, ибратли ишларини тарғиб қилиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон ХДП ташкил этилганлигининг беш йиллиги муносабати билан, Марказий Кенгашнинг «Эҳтиром китоби»ни таъсис этишга қарор қилди. «Эҳтиром китоби» тўғрисидаги Низом, Китобга киритилганларга бериладиган Ғувоҳнома намунаси тасдиқланди.

Йиғилиш Ўзбекистон ХДП МК Ишлар бошқармаси ва Марказий Тафтиш комиссиясининг «Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш якунлари тўғрисида»ги Хатини кўриб чиқди.

Котибиятда партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Акс-садо

БИЗНИНГ ФИКРИМИЗ

«Ўзбекистон овози»нинг 26 сентябрь сонида Андижон шаҳар Дўстлик маҳалласи оқсоқоллари билдирган фикрларни ўқиб беҳад хурсанд бўлдик.

Дарҳақиқат, биз, кексалар ҳам кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган инсонлар озод юртимизни жон-дилимиздек асрашда ёшларга етакчи ва ўрнак, уларни Ватанга, халқимизга муҳаббат руҳида тарбиялашда бош-қош бўлишимиз лозим.

Айни вақтда фахрийлар кенгаши фаолиятига эътиборни қаратадиган бўлсак, уларнинг иш услублари ҳозирги замон талабларига тўла жавоб беради деб бўлмайди, чунки улар ҳамон эски замонлардаги иш услубларидан воз кечолмаяптилар. Бу фикрлар вилоятимизда турли миқёсда ўтказилган фахрийлар анжуманларида бир неча бор таъкидланди.

Демак, кўпни кўрган отахон ва онахонларни ўзида бирлаштирувчи бу ташкилот Президентимиз ижтимоий сиёсатини ҳаётга изчил татбиқ этилишида фаол иштирок этиши, ёши улғайган фахрийлар ҳолидан бохабар бўлиши, одамларда, айниқса ёшлар онгида маънавият ҳисларини уйғотишга хизмат қилиши зарур.

Юқорида айтилган мулоҳазалардан келиб чиқиб айтмоқчимизки, ана шу фахрийлар кенгаши ўрнига янгича руҳда ишлайдиган Фахрийлар жамғармаси тузилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Жамғарманинг ўз маблағи бўлиши, унинг йўналиши ва вазифаси бугунги кун талаби даражасида тезроқ белгиланиб олиниши керак, деб ҳисоблаймиз.

Абдулҳай АБДУШОҲИДОВ,
Мирзатой УМБЕТОВ,
Уруш ва меҳнат фахрийлари,
Сирдарё вилояти.

«ФАХРИЙЛАР» ЖАМҒАРМАСИ БЎЛСА...

Очиқ айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шароитида бизнинг фахрийлар ташкилотимиз фаолияти, унинг тузилиши, иш услуби эскича қолиб, бугунги кун талабларига жавоб бера олмай қолди.

Собиқ совет тузумида бюджет асосига қурилган ва бугунги бозор муносабатларига ўтиш тамойиллари ҳисобга олинмаган мазкур ташкилот ва унинг маҳаллий органлари ҳам бошқа корхона, ташкилот ва муассасалар қатори эндиликда ўзини ўзи бошқариши керак деб ўйлаймиз.

Шу муносабат билан ёшлар «Камолот» жамғармасига ўхшаш "Фахрийлар" жамғармаси ҳам тузилса деймиз.

Фахрийларимиз ўз мустақил жамғарма заҳирасига эга бўлгандагина эркин, мустақил сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маърифий ишларни олиб боришлари мумкин.

Бизнинг фахрийларимиз республикада «Фахрийлар» жамғармаси бўлишни ниҳоятда истайдилар ва бу жамғармани қўллаб-қувватлайдилар. Фахрийларимизнинг тадбиркорлари бўлажак жамғарма қошида кичик корхоналар ва фирмалар тузиб, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ўз улушларини қўшадилар ва ёшларга ўрнак бўладилар.

Уруш ногиронлари:
Абдуалим Иброҳимов, Очил Бозоров, Супабек Тўйтамонов,
Меҳнат фахрийлари:
Нариман Қултоев, Ибодулла Умиров, Абдураҳим Жуманов,
Пайариқ тумани.

Қўнғироқ

ПАТТА ҲАМЁННИ ҚИЛДИ КАТТА

«Ҳар бир жойнинг ўз бўриси бор. Бозорнинг бўриси — паттачи», деган экан кўпни кўрган бир одам. Ҳа, бу гапни айтган киши дарҳақиқат дунё кўрган, умрининг гулини паттачилар билан муомала — можароларда ўтказган шахс экан.

Яқинда Фарғона вилоят прокуратураси ходимлари вилоят шаҳар ва туманларидаги бозорларда ўтказган текширишларда бу «ҳикмат» тўла исботини топди. Қўқон шаҳар бозори гавжум. Чор-атроф, қўшни давлатлардан ҳар хил узум, анор, анжирлар, мева-чевалар, сабзавот олиб келган деҳқону боғбонлар сероб. Албатта улар бозорда ўзлари эгаллаган жой учун ҳақ тўлашлари даркор. Бироқ, қанча, кимга? Худди шу масала бозорда аччагина назоратдан ҳоли соҳа экан. Қаранг, паттачи М. Маҳмудов бир кун ичида ўзига биркитилган ҳудуддаги сотувчилардан 600 сўм патта пули йиғиб олган. Бироқ текширилганда бу ерда аслида 1783 сўмлик патта сотилгани маълум бўлди. Яшавор, азамат! Тушумнинг ярмидан кўпининг ҳузурини ҳамён кўрар экан. Тарозибон Р. Эгамбердиев ҳам хизматдошидан қолишмаган. Аслида тарозиларни бозорга савдо қилишга келган деҳқонларга бепул бериши керак. У одам эса ҳар бир тарози учун 10-15 сўмдан олиб чўнтакка урган.

Бувайда тумани марказидаги мол бозори ҳам гавжум жой. Бозор паттачиси Ш. Юсупов бу ерга бир бош бузоқ сотгани келган Н. Нўъмоновга 10 сўмлик битта патта бериб 20 сўм нақд олан. С. Абдуманнонов, Ш. Исмоиловлардан ҳам 10 сўм уриб қолган.

Кейинги пайтларда вилоят бозорларида фаолият кўрсатаётган 253 нафар паттачидан 47 нафари вазифасига нолойиқ деб топилди. Вилоят прокуратураси томонидан бозорлар ходимлари устидан турттa жиноят иши ва 91 та маъмурий, 23 та интизомий тартибда ишлар қўзғатилди. 12 нафар бозор ходимлари расмий тарзда огоҳлантирилди. Ажабмас, паттачилар ҳам сотувчилар ва харидорлар билан муомалани энди фақат қонун қоидалар доирасида олиб борсалар.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК КОТИБИЯТИДА

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАТБУОТ НАШРЛАРИГА 1997 ЙИЛ УЧУН ОБУНАНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, дейилади ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда, ўз матбуот нашрларига эга бўлиш, улар фаолиятини йўлга қўйиш, таъсирчанлигини ошириш масалаларига, ташкил топган дастлабки кунлариданоқ, катта эътибор бериб келмоқда. ХДПнинг марказий нашрлари — «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари, «Мулоқот» журнали, вилоят партия кенгашларининг «Истиқбол сари» (Жиззах), «Олтин диёр» (Навоий), «Халқ иродаси» (Наманган), «Регистон» (Самарқанд) ва «Қарақалпақстан ҳаўазы» рўзномалари партиямизнинг қудратли, ўткир сиёсий қуролидир. Уларнинг ислоҳотлар йўлида, Президент И. А. Каримов бошчилигида, мустақил мамлакатимиз эришган ютуқларни, партия дастурий ғоялари ва Миллий истиқлол мафкураси қоидаларини кенг тарғиб этиш, янги маънавиятни шакллантириш, фуқароларни, юртимизнинг буюк келажагини яқинлаштиришга қаратилган, фидокорона меҳнатга руҳлантириш, диёримизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ишига қўшаётган ҳиссаси катта.

Партия нашрлари ХДП Марказий Кенгаши пленумлари, МК Сиёсий ижроия қўмитаси ва Котибиятининг асосий ҳужжатларини мунтазам ёритмоқдалар, маҳаллий партия ташкилотлари иш тажрибасини омма мулкига айлантиришга ҳаракат қилаётирлар.

Қарорда 1997 йилда ҳам оммавий ахборот воситалари, жумладан ХДП матбуот нашрлари жамоалари, олдида катта вазифалар турганлиги таъкидланди. Улар, бошқа оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда, юртбошимиз даъватига жавобан, «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилишга интилишлари, мамлакат вақтли матбуот нашрларининг демократиялашувига салмоқли улуш қўшишлари, кўппартиялилик тизими шароитида, ХДП маҳаллий кенгашлари ва ташкилотларининг муҳим мафкуравий таянчи бўлишлари лозим.

Шу боис, Котибият ХДП нашрларига 1997 йил учун обунани уюшқоқлик билан ўтказишни партия ташкилотлари, журнали ҳамда газеталари таҳририятларининг муҳим вазифаси қилиб белгилади.

Партия матбуот нашрларига обунани уюштириш соҳасида муайян тажрибага эгамиз. Кўпгина маҳаллий партия ташкилотлари бу муҳим ишга яхшигина тайёргарлик кўриб, ижобий натижаларни қўлга киритдилар. Бироқ, ХДП қатор кенгаш ва бошланғич ташкилотлари, 1996 йил учун «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» гезаталари, «Мулоқот» журналига обунани ташкил қилиш юзасидан, Марказий Кенгаш Котибиятининг топшириқлари бажарилишини таъминлай олмадилар. Бунга, бир томондан, муайян иқтисодий қийинчиликларнинг салбий таъсири, иккинчи томондан, бу асосийси, партия маҳаллий кенгашларининг обуна мавсумининг ўта сиёсий аҳамиятига етарли эътибор бермай, унга пухта ҳозирлик кўрмай киришиб, қимматли вақтни қўлдан бой берганликлари, таҳририятларнинг эса, хатти-ҳаракатлари жуда суст бўлганлиги сабабдир.

МК Котибияти юқорида баён этилганлардан ҳамда бу йил ҳам обуна мавсуми, бир талай сабабларга кўра, осон кечмаслигидан келиб чиқиб, 1997 йил учун партия газеталари ва «Мулоқот» журналига обунани уюштиришни Ўзбекистон ХДП барча даражадаги кенгашлари, бошланғич ташкилотлари ҳамда таҳририятларининг кечиктириб бўлмайдиган муҳим сиёсий иши, деб ҳисоблади. Шу мақсадда уларга ўтган йилги хато ва камчиликларни ҳисобга олган ҳолда, кенг кўламдаги ташкилий, тарғибий ва ташвиқий ишлар режасини тузиб, уни изчил амалга оширишни бошлаб юбориш вазифасини топширди.

Қарорга биноан, обуна мавсумини муваффақиятли ўтказишни таъминлаш шахсан Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, шаҳар, туман кенгашлари биринчи котиблари ва партия нашрлари бош муҳаррирлари зиммасига юклатилди. Обуна мавсуми натижаларига қараб, уларнинг шу соҳадаги фаолияти масаласини кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Котибият Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг, партия марказий матбуот нашрларига обунани ташкил этиш, унинг боришини назорат қилиш ва натижаларини якунлаш бўйича, Комиссияси ҳамда Ишчи гуруҳи таркибини тасдиқлади. Айни пайтда, тегишли партия кенгашларига жойларда ҳам шундай тузилмалар ташкил этишни тавсия қилди. Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари учун обуна миқдори ҳақидаги Тақсимот режаси ҳам маъқулланди.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, Жиззах, Навоий, Наманган ва Самарқанд вилоятлар кенгашларининг ўз газеталарига нисбатан обуна миқдорини мустақил белгилашлари кўзда тутилди.

Аҳоли айрим қатламлари орасида моддий аҳволи ночор кишилар борлиги ҳисобга олиниб, эҳтиёжманд фуқаролар, кўп болали оилалар, ногиронлар, фахрийларни ХДП нашрларига ҳомийлар ҳисобидан обуна қилдириш амалиётини бу йил ҳам давом эттириш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

ХДП ҳар бир бошланғич ташкилотининг партия марказий матбуот нашрларига обуна бўлиши мажбурий қилиб қўйилди. Бу масаланинг қай йўсинда ҳал этилишини белгилаш ва назорат қилиш Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларига топширилди.

МК Котибияти ҳамда МК Комиссияси йиғилишларида партия марказий матбуот нашрларига обунанинг бориши ҳақидаги масала юзасидан вилоят партия кенгашлари ҳамда «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари, «Мулоқот» журнали таҳририятлари раҳбарларининг ахборотларини мунтазам тинглаб боришга қарор қилинди. МК Котибиятининг барча аъзоларига бу ишда фаол иштирок этиш тавсия этилди. Вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашларининг ижроия бюроларида мазкур масалани белгиланган жадвал бўйича муҳокама қилиб, тегишли чоратадбирларни тезкорлик билан кўриб бориш айни муддао эканлиги алоҳида ўқтирилди.

«Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали таҳририятларининг шу кунлардаги долзарб вазифаси, дейилади қарорда, обунани ташкил этиш билан бевосита шуғулланишдир. Уларнинг эътибори жойларга чиқиб, газетхон ва журналхонлар билан учрашувлар, ўқувчилар конференциялари, партия матбуоти кунлари, саволжавоб кечалари каби, оммавий-сиёсий тадбирларни юқори савияда ўтказиш, маҳаллий матбуот, телевидение ва радио имкониятларидан самарали фойдаланишга қаратилди. Барча даражадаги партия кенгашлари бу соҳада уларга ёрдам кўрсатишлари керак.

МК Котибияти 1997 йил учун партия марказий матбуот нашрларига обунани уюшқоқлик билан ўтказишда алоҳида ўрнак кўрсатган ХДП маҳаллий кенгашлари ҳамда фаолларини рағбатлантиришнинг Низоми ва Шартларини тасдиқлади.

Обуна натижалари якунланаётганда, тегишли вилоят, шаҳар, туман аҳолисининг қанчаси қайси нашрга ва қандай муддатга обуна бўлгани алоҳида эътиборга олинади.

***

Марказий Кенгаш Котибияти Ўзбекистон ХДП ташкилотлари партия матбуот нашрларига 1997 йил учун обуна мавсумини ҳар қачонгидан уюшқоқлик билан ўтказадилар, шунингдек, республикамизда чоп этилаётган бошқа газета ва журналларга ҳам фуқароларнинг обуна бўлишларига кўмаклашадилар, деб ишонч билдирди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ХАЛҚ БАНКИ КЎПЧИЛИК ХИЗМАТИДА

Иқтисодиёт ва банк тизими

Кейинги вақтда Халқ банки фаолиятида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Айниқса, мижозларга хизмат кўрсатиш маданиятига эътибор кучайди. Мижозларнинг манфаати, мақсади марҳамат топяпти. Буни Халқ банки Андижон шаҳар бўлимида амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар ҳам кўрсатиб турибди.

Жамоада ҳамжиҳатлик билан иш ташкил этилаётгани бир ютуқ бўлса, мижозларга хизмат кўрсатиш муваффақиятлар манбаи бўлмоқда. Президент Фармонига биноан аҳоли омонатларини индексация қилиш даврида жамоа дам олиш кунларида ишлаб, ўзига хос синовдан ўтди. Банк ходимларининг малакалари мижозларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатишда жуда-жуда асқотди.

Андижон аҳолиси энг зич жойлашган шаҳар ҳисобланади. Мижозларга қулайликлар яратиш мақсадида Халқ банки Андижон шаҳар бўлимининг жойларда 27 та шохобчаси фаолият кўрсатяпти. Аҳоли гавжум масканларда, катта корхоналарда банк шохобчаларини очиш давом этяпти. Боғишамол, Қўшариқ даҳаларида, Амир Темур шоҳ кўчасида, Бўстон мавзеи ҳудудида янги шохобчалар навбат билан иш бошлайди. Бироз бўлса ҳам мижозларга қулайлик вужудга келади.

Мижозларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатишда ходимлар малакаси алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам Халқ банки Андижон шаҳар бўлимида мутахассислар малакасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ходимлар ўқувининг ташкил этилиши яхши натижа берди. Бир ходим Жаҳон банки иқтисодий ривожланиш институтида бир ҳафталик ўқишда бўлиб қайтди. Тўрт нафар мутахассис инглиз тилини ўрганяпти.

—Банк тизими бўйича ҳуқуқий хизмат кўрсатишни йўлга қўйишни режаладик, — дейди Халқ банки Андижон шаҳар бўлими раҳбари Жамолиддин Низомиддинов. — Бу ҳуқуқий давлат барпо этиш билан бир қаторда жамоамиз ишига ривож беради.

Халқ банки Андижон шаҳри бўлимида ибратли меҳнат қилаётган мутахассис ходимлар кўп. Йўлбарс Туланов, Муҳаммадисмоил Иброҳимов, Махпиратхон Усанова, Умидахон Мусажоновалар мижозларга яхши хизмат кўрсатиб олқиш олдилар.

Ривоятхон опа Солиева кўпдан буён назорат бўлимида ишлаб, ёшларга тажрибаларини ўргатяпти. Нигора Жўраева, Гулнорахон Аҳмедовалар Ривоятхон опанинг меҳнатсевар шогирдлари.

Мижозларга марҳамат кўрсатиш бўлимда касса, нақд пул тушимлари, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича режаларнинг бажарилиши омили бўлмоқда. Халқ банки Андижон бўлимига, унинг жойлардаги шохобчаларига келган мижозлар хушнуд қайтадилар. Сабаби мижозларга банк тизими ходимлари холис хизмат кўрсатяптилар. Бундан Халқ банки бўлими ҳам, аҳоли ҳам манфаат кўрмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: 1. Халқ банки Андижон шаҳар бўлимининг раҳбари Жамолиддин Низомиддинов бир гуруҳ мутахассислар билан ўзаро мулоқотда. 2. Компьютер бўлими бошлиғи Дилоромхон Маматалиева.

Х. АРАББОЕВ олган суратлар.

"Обуна-97"

Диққат, обуна бошланди!

"Обуна-97"

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТХОНЛАРИГА

Тезкор асримизда ахборот оқимининг шакл-шамойиллари кўпайганлиги ҳеч кимга сир эмас. Инсоннинг табиатан қизиқувчанлиги турли ахборот воситалари орқали қондирилади. Ҳозиргина содир бўлган ҳодиса ҳақидаги янгиликни саноқли соатлардан кейин ҳаво мавжлари орқали эшитишингиз, ойнаи жаҳон кўзгусида кўришингиз мумкин.

Айни пайтда кўнглингиз ўша воқеа-ҳодисалар ҳақида муфассалроқ маълумотлар олишга, оний кечиримга эмас, балки таҳлилий мулоҳазага эҳтиёж сезади. Шундай пайтда Сизга даврий нашрлар — газеталар ёрдамга келади. Албатта, кейинги йилларда мустақиллигимиз шарофати билан юртимизда матбуот нашрлари сони ҳар қачонгидан кўпайди. Бир вақтнинг ўзида уларнинг ҳаммасини ўқишга имкониятингиз ҳам йўқ. Биз сизга шу ўринда катта ва бой аньанага эга бўлган отахон газета — "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ни тавсия қилмоқчимиз.

Чунки:

☑ республикада, Ҳамдўстлик мамлакатларида ва бошқа хорижий давлатлардаги энг қизиқарли ҳамда ҳаяжонли воқеа-ҳодисалар ҳақидаги янгиликларни;

☑ мамлакат раҳбарлари, таниқли алломалар, адиблар, эл эътирофини қозонган спёсатчиларнинг долзарб мавзудаги чиқишларини;

☑ мансабдорларнинг тўрачилиги, коррупция, мустаҳкамлик ва боқимандалик психологияси йўлига гов бўлувчи кескин мақолаларни, аёвсиз лўкмаларни;

☑ чуқур таҳлилий материалларни, жиддий спёсий, иқтисодий ва халқаро шарҳларни;

☑ бой тарихимиз, маданий меросимизни юртдошларимизнинг маънавий мулкига айлантиришга даъват этувчи чиқишларни;

☑ халқнинг спёсий фаоллигини оширувчи, ҳуқуқ ва бурчларини теран англатувчи мақолаларни;

☑ оммани муштарак мақсадлар сари жипслаштирувчи ЎзХДП олиб бораётган ишлар тўғрисидаги батафсил маълумотларни;

☑ ишингиз юришиб кетишига имкон берувчи реклама ва билдирувларни ФАҚАТ "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетаси саҳифаларидагина ўқий оласиз!

"Обуна-97"

Эслатиб ўтамиз: "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ҳозир мамлакатимизда чоп этилаётган газеталар ичида энг оммавий нашрлардан биридир. Келгуси йилда газетанинг чакана савдога чиқиши чекланиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириб қўймоқчимиз. Демак, энг маъқул йўл — ОБУНА!

Муҳтарам муштарийлар!

1996 йил 25 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тизимидаги матбуот тарқатиш бўлинмаларида "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"га обуна расмийлаштириш бошланди. Бу йил обуна баҳосини белгилашда тавсия этилган усул жорий этилди. Яъни, мамлакатимиз минтақаларининг ҳар бирида матбуот нашрларини ташиш, тарқатишда турлича миқдорда сарф-харажатлар кетиши ҳисобга олинди. Газета таннархига вилоят ва туманлар ҳудудида ташиш, тарқатиш билан боғлиқ сарфиёнлар қўшилган ҳолда якуний баҳо аниқланади.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"нинг нашр индекси:

Якка тартибда обуна бўлувчилар учун — 64583 Корхона ва ташкилотлар учун —64588.

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон ХДП Нарпай туман кенгаши пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

С. Очилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман партия кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод қилинди.

Туман партия кенгаши бўлим мудири бўлиб ишлаётган С. Ғиёсов туман партия кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Р. Облоёров сўзга чиқди.

Т. ТУРСУНҚУЛОВ.

АТЛАСЧИ УСТА ТУҲФАСИ

ФАРҒОНА. Ўзбек аёллари эгнидаги сержило ва камалакранг атлас либослар довруғи дунёни тутган. Марғилонлик атласчи уста Турғунбой Мирзааҳмедов яқинда «Истиқлол» ва «Самарқанд сайқали» деб номланган янги атлас нусхаларини яратди. Бу бежирим газламаларга янгича жилолар бахш этди. Устанинг ишлари республика ҳунармандлар кўргазмасида намойиш этилиб, БМТнинг Ўзбекистондаги вакили Холид Малик ва бошқа кўплаб чет эллик меҳмонлар олқишига сазовор бўлди.

Алишер ИБОДИНОВ.

САРА УРУҒ — МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Самарқанд вилоятининг азамат деҳқонлари дастлабки довондан ошдилар. Вилоятнинг элита уруғчилиги ва уруғчилик хўжаликлари ўз зиммаларига олган режани уддаладилар. Давлатга 21.000 тонна ўрнига 24.640 тоннага яқин сара уруғ етказиб берилди.

Тайёрланган уруғлик пахта мамлакатимиз пахтачилигида энг эртапишар, серҳосил ҳисобланган «Фарғона-3», «Қирғиз-3», С-907 ва «Оқдарё-5» ғўза навларидан олинди.

Эришилган бу ғалабага вилоятнинг Пахтачи, Нарпай, Каттақўрғон, Пастдарғом, Иштихон ва Пайариқ туманлари хўжаликлари, вилоят пахтачилик илмий-текшириш институти ва Давлат нав синаш станциялари ходимлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Вилоятда яна 10 минг тонна уруғлик пахта тайёрланади.

Маъмуржон ҚИЁМОВ.

Турмуш сўқмоқлари

АДОВАТ

Кеча бўлиб ўтган воқеа Малоҳатга туриб-туриб алам қилди.

— Наҳотки, қўлим осмонда бўш, оёғим эса ердан узилганича тураверсам? Ахир, «таниш»ларнинг қачон фойдаси тегади?

У шу хаёл билан тошойна олдига келди. Ўттиз бешни қоралаган бўлса-да, ҳали ҳусни, қадди-қомати жойида. Ўзининг аксини ойнада кўриб, кўнгли анча таскин топди. Юпқа лабларига бўёқ тортди, киприклари орасига сурма сурди. Чап юзидаги кулгичи атрофини «қизартирди». Ана бўлди. Уни кўрган ҳар қандай эркак юрак уйнотига гирифтор бўлади-қолади. Ишқилиб эски жазманлари уни унутишмаган бўлсин-да.

Дўстмурод Омонович тушликдан сал эртароқ қайтиб, қабулхонадаги диванга эндигина чўккани, Малоҳат эшикни очиб кирди. Ҳаммаёқни алламбалоларнинг ҳиди қоплади. Жувоннинг ҳаракатида сохталик шундоққина сезилиб турарди.

— Салом, Дўстмурод ака... Биласизми?... яхшиси, кабинетингизга кирайлик.

Малоҳат муғомбирона нигоҳ билан Дўстмурод Омоновичга қараркан хона эшигини оча бошлади.

— Шу ерда гаплаша қолайлик! — шубҳаланган Дўстмурод Омонович сўзида қатъий туради.

— Сизга айтадиган муҳим гапим бор эди-да.

У Малоҳатнинг янги найрангига фаҳми аллақачон етгани учунми яна жиддийлашди. Бундан жувоннинг энсаси қотди, иши ўнгидан келмаслигига кўзи етди чоғи, адовати қўксидан отилиб чиққандек бўлди.

— Ишдан ҳайдаб ниятингизга етдингизми? Йўқ, ҳали пушаймон буласиз. Шундай бадном қилайки, бош кўтариб юролмайсиз! Малоҳат шундай дея ташқарига отилди. Бир пасдан сўнг даҳлизда қизларнинг қаҳ-қаҳаси эшитилди.

Малоҳат салобатли бинонинг иккинчи қаватига кўтарилиб бошқарма бошлиғи хонаси эшигини оҳиста очди. Итолмас Бўрибоевич унга пешвоз чиқди.

— Кечиринг ака, эплолмадим, — Малоҳат сохта кўзёши қилди. — У ҳам анойилардан эмас. Ахир ҳаммасига ўзим, қолаверса...

Жувон «ҳаммасига сиз сабабчи» дейишдан тилини тийди. Итолмас Бўрибоевич унга ҳамиша қўл келар, шу боис сувдан қуруқ чиқарди. Айнан ҳозир ҳам айбни жувонга тўнкашнинг йўлини топди, эски «таниши»ни қойиди.

— Ахир у менга ҳазиллашиб юради демаганмидингиз? Бир иложини қилишингиз керак эдида. Шунда хат-қалам қилардик.

Орага жимлик чўкди. Уни яна Итолмас Бўрибоевич бузди:

— Қўйинг, иш бўлса топиб берамиз. Бироз асабларни жойига қўяйлик, — бошлиқ Малоҳатни ўзига тортди. Жувон ўзича «эркакларнинг ҳаммаси бир гўрда, мен нима дарддаю, унинг дарди кайфи-сафо», дея халоскорининг раъйини қайтармади...

Итолмас Бўрибоевичнинг хонасидан сўлгин чеҳра билан чиққан Малоҳат Дўстмурод Омоновични аввало тузоғига илинтира олмаганлиги, сўнг эса қасдини олишга имкон тополмаганлиги, «танишлари» совуганлигидан кўнгли гаш эди. «Ахир бунча заҳар бўлмаса? Дўстмурод Омоновичга ўхшаганларнинг кўпини хўрозқанд сифатида ўйнатганди-ку! Наҳотки, қаерда хато қилдим? Энди ишсизлик, бунинг устига ёлғизлик азоби! Қани энди қайта туғилсам, ҳаётни қайтадан бошласам. Ҳаммасига ўзим-ўзим сабабчи!»

Малоҳат тўқ оилада вояга етди. Айниқса онаси Гулпошшанинг савдо-сотиқдан қўли бўшамасди, отаси Ботир беданавоз эса чойхонадан бери келмасди. Малоҳат нима ейди, қандай кийинади — ҳеч биринг иши йўқ. Бўйи етиб қолганда уни ўқишга қўйишди, танишлар омон бўлсин экан. Қиз институтни битирди, муҳандис бўлди. Иш ўрнига пардоз-андоз, қўл остидагиларни бошлиққа ўчакиштириш. Шу йўл билан раҳбарни ўзига "ром қилиш". Шундай бўлди ҳам. Лекин идорамаидора кучишга ўрганди...

Дўстмурод Омонович ишлайдиган корхона Малоҳат учун ун еттинчи иш жойи эди. Бу ерда ҳам у эски «усули»ни ишлатди: алдаш, ўзини ҳаммадан юқори қўйиш, бошлиқ билан яқин бўлиш. Иш эса...

Айни иш қизғин паллада идорага раҳбарлик Дўстмурод Омоновичга тушди. Бошлиқ «бетоб» бўлиб қолганди. Буни қарангки, Малоҳатнинг ҳам «бетоблиги» қўзғабди:

— Биласизми, Дўстмурод ака, — у маъюс оҳангда сўзларди. — Дўхтирлар ҳаво алмаштирмасангиз бўлмайди дейишяпти. Шунга...

Дўстмурод Омонович рози бўлмади. Аммо, Малоҳат айтганини қилди. Кунлар ўтди, ундан дарак йўқ. Дам олиш куни Дўстмурод Омонович дўстини кутиб олиш учун темир йўл бекатига чиқди. Қай кўз билан кўрсинки, Малоҳат бошлиқ билан қўлида жомадон бекатда турибди. Дўстмурод Омоновични кўришиб иккаласи турган ерида қотиб қолишди.

Эртасига бошлиқ ишга чиқмади. Малоҳат меҳнат интизомини бузганлиги учун муҳокама қилиниб ишдан бўшатилди. Бу орада бошлиқ юқорига — бошқармага ишга ўтди...

Телефон устма-уст жиринглади. Дўстмурод гўшакни қулоғига тутди:

— Хотин-қизларни ишдан ҳайдаш адолатдан эмас. Ахир яхши мутахассис ерда қолмайди-ку, — бу овоз собиқ раҳбари Мумин Қобиловичники эди. — Адоватингиз бор экан, ҳазиллашиб нима қилардингиз. Энди, ҳафа бўлманг ука. Ҳаммасига чидайсиз...

Дўстмурод Омонович бу пуписадан заррача чўчимади. Уни бир нарса ҳайрон қолдирарди: шарми-ҳаёсини, иффатини йўқотган, қадамида адоват дунёга келадиган Малоҳат сингари айрим кимсалар тузоғига илинаётган бундай раҳбарлар қисмати не кечаркан? Ёки қарга қарғанинг кўзини чўқимайди деганлари шумикан?

Даврон БАҲРОНОВ.

УЛУҒЛИК СИРЛАРИ

ТЕМУРНОМА

Мамлакатимизда Соҳибқирон бобомизнинг 660 йиллик тўйини ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан биз Амир Темурни, унинг тимсолида миллатимиз халқимизни улуғламоқдамиз.

Амир Темур моҳир саркарда ва буюк давлат арбоби сифатида ўта сезгир зеҳни, қобилияти, зукко билимдонлиги ва ташкилотчилиги билан нафақат Туркистон, балки жаҳон, хусусан, Оврўпо халқлари тарихида ҳам ўзига хос салмоқли из қолдирган улуғ шахсдир. Шунинг учун ҳам мана етти асрки, унинг номи ва иши тилларда, дилларда достон бўлиб келмоқда. Энди бевосита Амир Темурнинг ўзбек халқи, туркий халқлар ва Оврўпо халқлари олдидаги хизматига келсак, аввало, Соҳибқирон Амир Темур халқимизни, она-заминимизни қарийб 150 йил давом этган мўғуллар истибдодидан озод қилиб, улкамизда йирик ва кучли марказлашган давлатга асос солди. Мустақиллигимизни таъминлабгина қолмай, мустақил халқ, давлат нималарга қодир эканлигини дунёга намойиш қилди. Зеро, туркий халқлар оиласига мансуб бўлган ўзбек миллати мустақил фаолият кўрсатган вақтда инсоният тарихий тараққиётида ўзига хос салмоқли из қолдирган буюк миллатлардан ҳисобланади. Илк бор бундай чек халқимиз тарихида IX-XII асрларда эркин фаолият кўрсатиб жаҳонга Фаробий, Абу Али ибн Сино, Хоразмий, Беруний каби улуғ зотларни етказиб берган вақтда тушган бўлса, иккинчи бор айнан Темур ва темурийлар даврида тушди.

Амир Темур мўғул босқинчилиги йилларида топталган, инқирозга юз тутган халқимизнинг руҳияти, қадрияти ва буюклигини тиклаб, маданиятимиз ва маънавиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшди. Қурилиш ва меъморчиликка катта эътибор бериб Шаҳрисабз, Самарқанд, Туркистон ва бошқа шаҳарларда ўнлаб масжид, мадраса, шифохона, ҳаммом, мақбара ва бошқа қурилишларга бошқош бўлди. Самарқандни дунёнинг етти мўъжизасидан бирига айлантирди. Мамлакатда илм-фан тараққиётига ҳомийлик қилди. Дунёнинг турли бурчакларидан илм соҳиблари ва нодир китобларни, шунингдек, косиб-у ҳунармандларни Самарқандга тўплаб, халқимизнинг бир вақтлар жаҳонни лол қолдирган (IX-XII асрлар) илмий салоҳияти ва миллий шуҳратини тиклаш чора-тадбирларини кўрди. Айниқса, у ўз мамлакати сарҳадлари орқали ўтадиган қадимий Буюк Ипак йўлини тиклаб, савдо карвонларининг салтанатда хавф-хатарсиз ҳаракат қилишини таъминлади. Ғарб билан Шарқ цивилизациясини яна қайтадан бир-бирига яқинлаштириб, халқлар ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-маърифий алоқалар ривожига катта ҳисса қўшди.

Ҳазратнинг энг катта тарихий хизматларидан бири туркий-ўзбек халқи ҳарбий санъатини дунёга кўз-кўз қилди. Ҳарбий соҳада буюк қобилиятга эга бўлган моҳир саркарда ўз фаолияти давомида «Куч адолатдадир» деган ақидага қатъий амал қилиб, ўз мамлакати ҳудудида барқарор тинчлик ва адолат ўрнатди. Халқларнинг ҳар томонлама тенг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиб берди. Унинг ҳарбий санъати, давлат қурилиши ва бошқаруви тўғрисидаги фаолияти бугун ҳам ўз қимматини йўқотган эмас.

Буюк жаҳонгир ўз фаолияти билан халқимизни улуғлади. Унинг буюклигини ва у эркин, озод, мустақил бўлса нималарга қодир бўлиши мумкинлигини кўрсатди.

Искандар ҲАЙИТОВ,
Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти тарих ва ҳуқуқ кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди доцент.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Ов мавсуми бошланадиган пайтда табиат ўзига хос фусункор бўлади. Жамоатчи мухбиримиз бу йилги ов мавсумининг жиҳатлари ва ташкилий масалалар хусусида Ўзбекистон Балиқ овлаш ва овчилик спорт жамияти раиси Н. КАРАГАЕВ билан суҳбатлашди.

БЕДАНАГА ТЎР ТАШЛАБ

